

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ПУЛАТОВА БОНУ**

Хитой тилида модаллик муаммолари

**5A120102 – Лингвистика ( хитой тили )**

**Магистр**

**академик даражасини олиш учун ёзилган  
диссертация**

**Илмий раҳбар:**

**ф.ф.н., доц. Носирова С.А.**

**Тошкент – 2015**

# МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
<b>1 Боб . Модалликнинг грамматик ифодаланиши</b>	
Модус ва модаллик .....	16
Тилшуносликда модалликнинг грамматик ифодаланиши.....	20
1 боб бўйича хулоса.....	2
<b>2 Боб. Хитой тилида модал феъллар ёрдамида модалликни ифодалаш</b>	
1. Модал феъллар орқали модалликни ифодалаш .....	
2. Модал феълнинг позицияси (жойлашуви).....	
2 боб бўйича хулоса.....	
<b>3 Боб. Хитой тилида модал феълларни қўллашда йўл қўйиладиган асосий хато ва камчиликларнинг грамматик таҳлили</b>	
1. Модал феълларнинг инкор шаклини қўллашда учрайдиган хатолар.....	
2. Модал феълларни тасдиқ ва суроқ гапларда қўллашдаги хато ва камчиликлар.....	
3 боб бўйича хулоса.....	
<b>Хулоса .....</b>	
<b>Адабиётлар рўйхати .....</b>	

# КИРИШ

- ишнинг долзарблиги хитой тилида мазмун даражада субъектив-модал маъноларнинг мажмуи сифатида намоён бўлган гап орқали воқеага нисбатан субъектив–муаллифлик квалификатив нуқтаи назарини ифодалаш усуллари ва воситаларини тизимли тавсифлаш билан белгиланади. Мазкур қиёсий–солиштирма мажмуавий (комплекс) ёндашуви синтаксис бирликларининг расмий лингвистика, функционализм, семантика, прагматика ва коммуникативистика синтези доирасида ўрганиш зарурати билан белгиланади ва қиёсий–солиштирма тилшуносликнинг замонавий ғоя (тенденция)ларига жавоб беради.

# Тадқиқотнинг объекти

- хитой тилида модаллик ҳодисаси, ёзма матнлар ва оғзаки нутқда мавжуд бўлган хитой гаплар, хитой тили луғатларидан келтирилган луғавий бирликлардир.

# Тадқиқотнинг предмети

- хитой тилида модал феъллар, хитой тилида субъектив-модал маъноларни ифодалаш усуллари ва воситаларининг тизимлари ташкил қилади.

# Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари.

- Ишнинг мақсади хитой тилида мазмун ва ифодалаш жиҳатларидан келиб чиққан субъектив модаллик категориясини ифодаловчи воситалар ва усулларни таснифлашдан иборат.
- Белгиланган мақсадга эришиш мақсадида қуйидаги **вазифалар** ечими кўзланади:
  - 1. Хитой тилида субъектив модалликнинг категория сифатида мавқеини тасдиқлаб бериш;
  - 2. Хитой тилида модаллик ва баҳо беришни ажратишда умумий ва хусусий меъёрларни аниқлаш;
  - 3. Хитой тилида мазмун даражасидаги субъектив модалликнинг универсал ва ўзига хос тавсифларини белгилаш;
  - 4. Хитой тилида лексик–грамматик ва синтактик даражаларида субъектив-модал маъноларни ифодалаш усул ва воситаларини тизимлаштириш;
  - 5. Хитой тилида субъектив-модаллик маъноларни ифодаловчи тизимларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлаш.

# Тадқиқот методи.

- Мавзуга оид тўпланган материалларнинг таҳлили жараёнида ҳозирги замон тилшунослик фанида кенг қўлланилувчи қиёсий-тавсифий, эмпирик, тавсифий, систематика, структур компонент таҳлили, дистрибутив методлар, феноменологик, тавсифий, таснифий, синергетик, квантатив, когнитив, статистик ва интерпретация методларидан фойдаланилди.

# Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалӣ аҳамияти.

- Тадқиқотнинг назарий аҳамияти модаллик ва субъектив-модаллик маънолар категорияси, шунингдек, уни ифодаловчи воситалар ва усуллар ҳақидаги маълумотларни тизимлаштириш борасидаги олинган натижалар билан белгиланади. Субъектив-модаллик маъноларни берувчи тил бирликларини таҳлил қилиш орқали иккала тилда ҳам субъектив модалликнинг мазмун жиҳатини қабул қилиш, тушуниш ва ифодалашда умумийлик ва хусусийлик аниқланди. Тадқиқотда хитой тилида мазмун даражасида субъектив модалликни ифодалаш учун универсал (умумий) ва ўзига хос хусусиятлар тизимлаштирилди, мазкур тилларда модаллик ва баҳо беришни фарқлаш мезонлари аниқланди. Хитой тилида лексик-грамматик ва синтактик даражаларида субъектив-модал маъноларни ифодаловчи восита ва усулларни тизимлаштириш хитой тилида субъектив-модал маъноларни ифодаловчи тизимларнинг ўхшашлик ва фарқланишларни аниқлашга ёрдам берди.

# Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти

- Тадқиқот материаллари ва олиган натижалари ҳозирги замон хитой тили бўйича назарий ва амалий машғулотларни тайёрлашда ва олиб боришда, ҳам умумий филологик йўналишлар, ҳам тор ихтисослашган фанлар – хитой тиллари синтаксиси, фразеолингвистикаси, маданиятшунослиги ва маданиятлараро коммуникацияси фанлари бўйича махсус курслар ва семинарлар ишлаб чиқишда, шунингдек, талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларини ёзишда хизмат қилиши ишнинг амалий аҳамиятини белгилайди. Бундан ташқари, икки ва кўп тиллардаги луғатларининг сони камлиги туфайли, хитой тилидаги субъектив-модаллик маъноларни ифодаловчи сўзларни тушуниш учун манба сифатида қўлланилиши мумкинлиги исботланди.

# Тадқиқотнинг илмий янгилиги

- ишнинг илмий янгилиги хитой тилида модаллик муаммосининг моҳиятини очиб бериш, субъектив-модаллик маъноларининг тизимли ва комплекс тавсифлаш, уларни хитой тилида ифодаловчи воситалар ва усулларни ўрганиш, хитой тилида модаллик категориясининг ўзаро мутаносиблик ва уни баҳо беришда дифференциал ва интеграл жиҳатларини аниқлашдан иборат.


# Натижаларнинг жорий қилиниши.

- Мавзу доирасида 3та илмий мақола нашр этилди:
- «Грамматическое выражение модальности» деб номланган илмий мақола ТошДШИ «Шаркшунослар анжумани» тўпламида;
- «Хитой тилида модал феълларнинг семантик гуруҳлари» деб номланган илмий мақола УзДЖТУнинг магистр талабларнинг илмий анжумани тўпламида нашр этилди.
- «Хитой тилида семантик-грамматик хусусиятлари» деб номланган илмий мақола УзДЖТУнинг магистр талабларнинг илмий анжумани тўпламида нашр этилди.

# Тадқиқотнинг боблари

- Тадқиқотнинг биринчи боби «Модалликнинг грамматик ифодаланиши» деб номланган бўлиб, ўз ичига «Модус ва модаллик» ва «Тилшуносликда модалликнинг грамматик ифодаланиши» бўлимларини қамраб олган.
- Тадқиқотнинг иккинчи боби «Хитой тилида модал феъллар ёрдамида модалликни ифодалаш» деб номланган. Бу бобга ўз навбатида «Модал феъллар орқали модалликни ифодалаш» ва «Модал феълнинг позицияси (жойлашуви)» деб номланган бўлимлар кирган.
- Тадқиқотнинг учинчи боби «Хитой тилида модал феълларни қўллашда йўл қўйиладиган асосий хато ва камчиликларнинг грамматик таҳлили» деб номланган. Хар бир боб бўйича алоҳида хулосалар келтирилиши натижасида ишнинг хулосасида тадқиқот таҳлили умумлаштирилган.

# MODAL FE`LLARNING SEMANTI-K-GRAMMATIK XUSUSIYATLARI



# MODAL FE`LLARNING SEMANTIK TURLARI.

## MODAL FE`LLAR

Hatti-harakatni  
bajarish qobilyati

能-neng  
能够neng gou  
会-hui

Ruxsat,  
ehtimollik

可以-keyi  
可能-keneng

Zaruriyat  
应该-ying gai  
应当-ying  
dang  
该-gai  
要-yao

Shart

必须-bi xu  
得-dei

Xoxish-istak  
要-yao  
想-xiang  
愿意-yuanyi  
敢-gan  
肯-ken

## IXITOIY TILI MODAL FE`LLARINI QO`LLASHDA UCHRAYDIGAN XATOLAR TAHLILI

刚到中国的时候，我的朋友告诉我：“不要喝生水，要喝开水”

Gāng dào zhōngguó de shíhou  
wǒde péng you gàosuwo: "bù yào  
hē shēng shuǐ yào hē kāishu

Xitoyga endi kelgan  
kezlarimda do`stim  
menga "xom suv ichma  
qaynagan suv ich"deb  
aytgan edi



刚到中国的时候，我的朋友告诉我：“不喝生水，要喝开水”

Gāng dào zhōngguó de shíhou  
wǒde péng you gàosuwo: "bù hē  
shēng shuǐ yào hē kāishuǐ" .

Xitoyga endi kelgan  
kezlarimda do`stim  
menga "xom suv ichma  
qaynagan suv ich"deb  
aytgan edi




*会hui modal fe`lini qo`llashdagi xatolar.*

Odatda 会hui modal fe`li “biron bir yutuqga o`qish orqali erishish” ma`nosini ifodalash uchun xizmat qiladi, lekin mazkur modal fe`lni qo`llashda umumiy kontekstning ma`nosiga ham e`tibor berish kerak

今年我能大到汉语中级水平了。

*Jīnnián wǒ néng dá dào hànyǔ zhōngjí shuǐpíng le.*

*Bu yili men xitoy tilini o`rta darajasini qo`lga kirita olaman.*



今年我会大到汉语中级水平了。

*Jīnnián wǒ huì dá dào hànyǔ zhōngjí shuǐpíng le.*

*Bu yili men xitoy tilini o`rta darajasini qo`lga kirita olaman.*



# ХУЛОСА

1. Хитой тилшунослигида модаллик ҳақидаги лингвистик назарияларни таҳлил қилиниши шуни кўрсатдики, ушбу назарияларнинг орасидаги фарқларнинг мавжудлигига қарамай, улар учта асосий гуруҳларга тақсимланади: синтактик ёндашув доирасида ишлаб чиқилган, синтактик-мантиқий ёндашув доирасида ишлаб чиқилган ва функционал-семантик ёндашув доирасидаги назариялар.

2. Ҳозирги замон тилшунослигида модаллик универсал категория ҳисобланиб, тилнинг коммуникатив поғонаси бирлиги бўлмиш гапга тавсиф беради, шунингдек, нафақат ўзининг грамматик, балки функционал-семантик ифодасига эга категориядир. Хитой тилида модаллик гапнинг грамматик маъноларини ва баён қилинган мазмуннинг функционал-семантик тавсифларини бирлаштирувчи мажмуаси сифатида намоён бўлиб, тил тизимининг турли хил лексик-грамматик ва синтактик воситалари орқали ифодаланади.

3. Хитой тилидаги модаллик категорияга оид қуйидаги асосий белгиларга эга: тушунчанинг умумийлиги; англаётган маъно ва уни ифодаловчи воситалар ўртасидаги алоқанинг борлиги; модалликни ифодаловчи тил воситаларида тизимлашган муносабатларининг мавжудлиги.

4.. Модал маънолар дифференциал тарзда объектив ва субъектив турларга бўлинади, чунки ҳар қандай баён қилинган фикр реал ва нореал ҳолатларни, воқеликнинг маълум бир қисмини ўз ичида мужассамлаштиради, шу билан бирга воқеа ҳақидаги билдирилаётган фикр фақатгина объектив тасаввур бериш билан чекланмайди. Демак, фикрни ифодаловчи воситаси бўлмиш гапда объектив ва субъектив модал маънолар ўзаро таъсирда бўлади. Хитой тилида субъектив модаллик ўз маъмунига ва ифодалаш воситаларига, модал-баҳо бериш тавсифларга эга мустақил жиҳат (аспект) сифатида тушунилади.

5.Модаллик ва баҳо бериш –хитой тилида бир-бирига яқин, лекин тенг бўлмаган тушунчалардир. Модаллик категорияси ва баҳо бериш категорияларни батафсил ўрганиш уларни бир-биридан дифференциал ажратилишини тақозо этди.

6. Хитой тилида субъектив модалликнинг ифодаланиши тил воситаларнинг ва субъектив-модал маъноларни ифодаловчи усулларнинг тизими сифатида намоён бўлади. Мазкур тизимлар ҳақиқат/эҳтимоллик доирасида тингловчига коммуникатив-прагматик таъсир омилини эътиборга олган ҳолда, гапирувчининг ўзи билдираётган фикрга муносабатини қамраб олади ва шу муносабатга йўналтирилади.

- 7. Хитой тилида модаллик категорияси тил тизимининг ҳам лексик-грамматик, ҳам синтактик даража (поғона)ларида ўз ифодасини топади. Субъектив-модал маъноларнинг мажмуаси (комплекси) лексик-грамматик воситалар, шунингдек, иерархик тартиблаштирилган ва таснифлаштирилган усуллар йиғиндисига тизимлаштирилиши мумкин.
- 8. Субъектив модаллик хитой тилида лексик-грамматик даражасида модал феъллар, модал юкламалар, модал сўзлар ва модал равишлар орқали берилади. Гапда буларнинг ёрдамида гапирувчи билдираётган субъектив-модал маънолар ва уларнинг туслари ифодаланади.
- 9. Бевосита ҳаракатни эмас, балки ҳаракатга нисбатан бўлган субъектив-муаллифлик муносабатини англатувчи модал феъллар нафақат субъектив-модал (имкониёт, зарурат, мажбурият, хоҳиш-истак, қобилият (қодирлик), эҳтимоллик, ният (шайланиш), ҳаракатни бажаришдан мақсад қаби) маъноларни ифодалайди, балки гапнинг бутун қурилмаси (структураси)га таъсир қилиб, кесимни мураккаблаштиради ва шу кесим билан турғун грамматик комплекс яратади. Хитой тилида модал феъллар тўлиқ расмий ва маъновий унсурлар бўла туриб, нафақат предикат семантикасига, балки бутунлай гапнинг маъносига субъектив-модал тусни беради.

Хитой тилида субъектив-модал маъноларнинг ифодаланишида ўхшашликлар мавжудлигига қарамай, модал сўзлар ва модал равишлар даражасида субъектив-модалликни ифодаловчи ҳар хил тил воситалари тизимлари аниқланди. Хитой тилидаги модал сўзлар ва модал равишлар орасида ҳақиқийлик ва эҳтимоллик маъноларини билдирувчи синфларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу тил воситаларни энг асосий деб ҳисобласа бўлади, чунки айнан бу модал сўзлар ва равишлар ёрдамида гапирувчи воқеага нисбатан ўзининг шахсий модал-квалификацион (тавсифлаш) баҳосини беради.

- Шундай қилиб, субъектив-модал маъноларни ифодалашда аниқланган воситалар ва усуллар хитой тилида субъектив модалликни ифодаловчи яхлит тизимларни ташкил қилади. Бир томондан, ҳар хил тилларда субъектив-модал маъноларни ягона тизимга келтириш модаллик — тиллараро мантиқий, функционал-семантик ва коммуникатив-прагматик категория эканлигидан далолат беради. Иккинчи томондан эса, хитой тилида субъектив-модал маънолардаги хусусий фарқланишлар ҳам ифодаланиш жиҳатидан, ҳам мазмун жиҳатидан ўзига хос хусусиятларнинг мавжудлигини яққол кўрсатиб берди.